*И.Р.Хўжамуродов, М.Э.Абдураимова,*
*Б.Б.Сапаров*

# ФАЛСАФА



ТОШКЕНТ-2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**И.ХЎЖАМУРОДОВ, М.АБДУРАИМОВА, Б.САПАРОВ**

# Ф А Л С А Ф А

Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

**“LESSON PRESS” нашриёти**
**ТОШКЕНТ- 2020**

***УДК: 324. 1: 160. 933.3***
***КБК: 87. 14 ( 5 Ўзб)***
***Х – 22***

***Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич, Абдураимова Муқаддас Эргашевна, Сапаров Бердияр Балтабаевич. Фалсафа. Ўқув қўлланма.*** *Тошкент давлат аграр университети; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.- Т.:* ***“LESSON PRESS” МЧЖ*** *нашриёти, 2020й 193 - б.*

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**
фалсафа фанлари доктори, профессор **Х.Хайдаров**.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**
фалсафа фанлари доктори, профессор **А. Мухторов**
фалсафа фанлари доктори, профессор **Г. Рўзматова**
фалсафа фанлари номзоди, доцент **З. Маркаев**

Мазкур ўқув қўлланмада фалсафа фанининг муҳим муаммолари: фалсафа фанининг предмети, мазмуни ва илм–фан, маданият тараққиётидаги ўрни; фалсафий тафаккур тараққиёти босқичлари: Шарқ фалсафаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Ғарб фалсафаси ва унинг асосий оқимлари ва намоёндалари; борлиқ – фалсафанинг фундаментал категорияси эканлиги; фалсафанинг қонун ва категориялари; фалсафада онг муаммоси. Билиш назарияси ва йўналишлари; жамият ва тарих фалсафаси; фалсафий антропология (инсон фалсафаси); глобаллашув ва глобал муаммоларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларнинг мазмун - моҳиятини қисқа очиб беришга ҳаракат қилинди. Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув адабиётларни нашр этишга тавсия берувчи Мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилиниб (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285- сонли буйруғига асосан) нашр этишга рухсат берилди.

**Ўқув қўлланма Олий ўқув юртлари бакалавр босқичи талабалари ва кенг китобхонларга мўлжалланган.**

ISBN: 978-9943-6262-2-5 “LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти, 2020й

## АННОТАЦИЯ

Ушбу ўқув қўлланмада фалсафа фанининг муҳим муаммолари: фалсафа фанининг предмети, мазмуни ва илм–фан, маданият тараққиётидаги ўрни; фалсафий тафаккур тараққиёти босқичлари: Шарқ фалсафаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Ғарб фалсафаси ва унинг асосий оқимлари ва намоёндалари; борлиқ – фалсафанинг фундаментал категорияси эканлиги, фалсафанинг қонун ва категориялари; фалсафада онг муаммоси. Билиш назарияси ва йўналишлари; жамият ва тарих фалсафаси; фалсафий антропология (инсон фалсафаси); глобаллашув ва глобал муаммоларнинг фалсафий жиҳатлари каби масалаларнинг мазмун – моҳияти қисқача очиб берилган

## АННОТАЦИЯ

В данном учебном пособии рассматриваются важные проблемы философии: предмет, содержание и роль философии в развитии науке и культуре; этапы развития философского мышления: философия Востока и философия Запада; законы и категории философии; проблемы сознание в философии. Теория познания, её основные проблемы и направления; философия общества и истории; философская антропология (философия человека); философские аспекты глобализации и глобальных проблем.

## ANNOTATION

In this textbook the important problems of philosophy: the subject, content and role of philosophy in society; stages of development of philosophical thinking; Eastern philosophy and its peculiarities; Western philosophy and its main directions and notions; being is a fundamental category of philosophy; universal relations of the world and its development; laws and categories of philosophy; the theory of knowledge and its main problems and directions; cultural and spiritual values of society in the process of historical development; philosophy of society and history; philosophical anthropology (human philosophy); the philosophical aspects of globalization and global problems are widely covered.

# КИРИШ

Биз яшаб турган дунл ниҳоятда мураккаб. Бу дунл чуқур ўзгаришларни кечиралтган дунл. Ўзгаришлар эса инсон ва жамият ҳалтини барча томонларини қамраб олмокда. Бу ўзгаришлар инсон ва коинат, давлатлараро, миллатлараро муносабатларни, синфлар, турли ижтимоий гуруҳлар орасидаги муносабатларни ўз ичига камраб олади.

Ҳозирги даврда етук мутахассис ўз ишининг устаси бўлишининг ўзи етмайди. Ҳозирги давр кишиси олдига қўйиладиган энг муҳим талаблардан бири оламни, атрофда кечалтган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушуниш, оламга онгли муносабатда бўлиш. Биз ҳалтнинг ўзига хос янги томонларига, янгича турмуш тарзига, янгича иқтисодий, ижтимоий муносабатларга илгариги андозалардан воз кечишга, янгича фикрлашга ўрганмокдамиз. Биз аста-секин олам ҳакидаги карашлар турли-туманлигини, фикрлар хилма-хиллигини кидирмокдамиз, янгича тафаккур усулларини эгалламокдамиз. Буларнинг хаммаси биргаликда кўп жиҳатдан холисона, оқилона дунлқарашнинг шаклланиш жаралнидир.

Фалсафа фани инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятининг ажралмас таркибий қисмидир. Афсуски, кўп йиллар давомида коммунистик мафкура таъсири остида жаҳон цивилизациясининг буюк маънавий бойлиги бўлган фалсафа фани сохталаштирилиб келинди. Натижада ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик маданияти, бой маънавий мероси ва фалсафий фикрларидан маҳрум қилиб келди. Мустақиллик туфайли бундай салбий ҳодисаларга чек қўйилди.

Фалсафий тафаккур ривожи инсоният тараққиёти билан узвий боғлиқ жараён бўлиб, жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда, хусусан фалсафада ҳам ўзига хос тарзда муттасил акс этади. Бугунги кунда замонавий дунёқарашни шакллантириш фалсафанинг асосий вазифаларидан биридир.

Фалсафанинг асосий вазифаси – ҳар бир инсон онгида соғлом ақлга мос дунёқарашни шакллантиришдан иборат. Бундай дунёқараш бирор-бир ғояни зўрлаб сингдириш ёки қуруқ ёд олдириш эмас, балки ишонтириш, муҳокама қилиш, фикрлаш жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг эркин ва ҳурфикрлаш имкониятига эга бўлган фуқаролари, айниқса ёш авлод айни кунларда мазмунан янгиланган, давр талабига жавоб берадиган фалсафани, жаҳон маданияти ва цивилизациясининг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш имкониятига эга бўлишди.

Хуллас, фалсафа фани ўз вазифалари ва хусусиятларига эга. Унинг олий мақсади, ўсиб келаётган ёш авлод онгида мустақил дунёқараш ва огоҳлик ҳиссини камол топтириш, комил инсонни вояга етказиш, уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлиб қолаверади. Зеро, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳақли равишда эътироф